Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
16 июль
ШАНБА
№ 57 (12901)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 15 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокама қилинди ва республика Ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш асосий прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш, саноат, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилманинг ишга туширадиган энг муҳим объектларини фойдаланишга топшириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини изчил қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш, хорижий инвесторларни акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига жалб этиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини, энг аввало, янгидан ташкил этилган тузилмаларда жорий этиш бўйича дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, пухта ўйланган ҳамда жаҳонда ривожланишнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган стратегиянинг миллий манфаатларга жавоб берадиган изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилиши туфайли, жаҳон иқтисодиётидаги чуқур тизимли муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш барқарор равишда сақланмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлиги ва самарадорлиги умуман халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда, жумладан, бу жорий йилнинг 23-24 июнида Тошкент шаҳрида ўн бешинчи юбилей саммити муваффақиятли бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган Қарорида қайд этилганидек, ушбу йилларда миллий иқтисодиёт қарийб 6 бараварга ўсди. Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика ва транспорт-коммуникация мустақиллигига эришилди. Саноатнинг иқтисодиётдаги улуши 34 фоизга, тайёр маҳсулотларнинг экспорт таркибидаги салмоғи 70 фоиздан зиёд ошди. Истеъмол товарлари ҳажми аҳоли жон боши ҳисобига 7 бараварга, реал даромадлар 12 баравардан ортиқ кўпайди. Давлат бюджетининг 60 фоизидан юқориси ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Давоми 2-бетда.



Тошкентда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда. Ярмарка иштирокчилари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги корхоналарда, боғларда бўлиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қадоқлаш тизими билан танишди.

ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОР

Президентимиз раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, фермерлик ҳаракатини ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда озиқ-овқат мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантириш ва экспорт ҳажмини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ярмарка иштирокчилари Тошкент вилоятидаги "Gold Dried Fruits" масъулияти чекланган жамияти ва "Экоагропродукт" фермер хўжалигида бўлиб, мева-сабзавотларни сифатли сақлаб, экспортга тайёрлаш жараёни билан бевосита танишди.

2013 йилда ташкил этилган "Gold Dried Fruits" корхонаси қуритилган сабзавот маҳсулотлари ва зираворлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Юздан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхона бир кунда 120 тонна ҳосилни қайта ишлаш қувватига эга. Маҳсулотларнинг 90 фоизи экспорт қилинмоқда.

Корхона томонидан Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида 400 гектарда турли мевалар, Пискентдаги 200 гектар майдонда сабзавотлар етиштириш йўлга қўйилган. Замонавий иссиқхоналарда сабзавот ва кўкатлар парваришланмоқда.



Даврон АҲМАД ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Корхона бош директори Муроджон Валиевнинг айтишича, бу ерда Хитой, Германия, Бельгия каби мамлакатларда ишлаб чиқарилган илғор технологиялар ўрнатилган. Бу йигирмадан ортиқ турдаги сабзавотлар, ўндан зиёд мева ва полиз экинлари, турли кўкатларни қуритиш, музлатиш ва қадоқлашда қўл келмоқда. Жорий йилда Жанубий Кореяга гилос, Молдовага қуритилган мевалар, Россияга мева-сабзавотлар экспорт қилинган.

"Караван XXI век" компаниясининг етакчи мутахассиси Оксана Чернованинг (Беларусь) таъкидлашича, Беларусда Ўзбекистоннинг қуритилган мевалари жуда машҳур. Энди ҳўл меваларни сотиб олишни кенгайтириш мақсадида "Gold Dried Fruits" корхонаси билан шартнома тузиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Экоагропродукт" фермер хўжалигида 137 гектар майдонда қуёш нурининг тушиши, шамол йўналиши ҳисобга олиниб интенсив технологиялар асосида экилган олма, шафтоли, гилос, ўрик, олхўри, нок кўчатлари мўл ҳосил бермоқда.

Боғ томчилатиб суғорилади. Бу илғор усул майдонларни суғоришда сувни икки бараваргача тежаш имкониятини беради. Ўғит сув билан эритма ҳолда айнан кўчат тупларининг ўзига етказилиши ҳосилдорликни ошириб, тупроқ эррозиясининг олдини олишга ҳам хизмат қилмоқда. Бу тадбирлар халқаро ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Давоми 3-бетда.



Ҳар куннинг сабоғи

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан вилоят, туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида Янгийўл тумани Гулбаҳор шаҳарчасида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида "Маҳалла маслаҳатчисининг бир куни" мавзуида давра суҳбати ва спорт мусобақаси уюштирилди.

Дастлаб, хотин-қизлар қўмитаси томонидан маҳалла фуқароларининг сайёр қабули ташкил этилди. Республика, вилоят хотин-қизлар қўмитаси "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари ходимлари иштирокидаги қабул жараёнида фуқароларнинг мурожаатлари ўрганиб чиқилди. Муаммоларини ҳал этишга кўмаклашилди. Аҳоли ўртасида одам савдосига қарши курашиш, 12 йиллик узлуксиз таълимнинг аҳамияти хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди. Айниқса, шу мавзуларга бағишланган саҳна кўринишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирокида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги қизларнинг бизнес лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Маҳалла фуқаролар йиғини "Бандлик сектори" аъзолари ёрдамида тадбиркор, ҳунарманд аёллар тайёрлаган маҳсулотларнинг кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Давоми 2-бетда.

❑ "Ягонасан, муқаддас Ватан!"

АВЖ ПАРДАЛАРДА ЮРТ ТАРАННУМИ

Ҳар қандай ижодкор учун абадий мавзу бор. Бу – Она Ватан тараннумидир.

Ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" қўшиқлар кўрик-танлови ҳам ижодкорлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлаяпти, десак янглишмаймиз.

Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда бу гал вилоятнинг 18 туман ва шаҳаридан 107 ижрочи она юрт ишқи, Ватан меҳри, эркин ва фаровон ҳаёт нашидасини тараннум этувчи ижод намуналари билан иштирок этди. Нуфузли ҳайъат аъзолари ижрочилар ижодини матн ва мусиқа уйғунлиги, шеърнинг таъсирчанлиги, асарнинг бадиий савияси, шунингдек, хонанданинг ижро маҳорати каби мезонлар асосида баҳолаб бордилар. Унга кўра, паркентлик Нодира Мансурова, Бўстонлиқ туманилик Мейиржан Караманов, зангиоталик Исломбек Муҳаммадиев танлов ғолиблари қаторидан жой олишди.



Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Давоми 2-бетда.

❑ Мурувват

Ҳомийларнинг эзгу ташаббуси

Оҳангарон туманидаги "Мурувват" уйида навбатдаги хайрия тадбири ташкил этилди.

Бу ерда ҳомий ташкилотлар кўмаги билан дастурхон ёзилиб, кўнгилочар дастур уюштирилди.

Тадбир доирасида муассасада истиқомат қилаётган бир гуруҳ кексаларга 10 та ногиронлик аравачаси ҳамда 3 миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур "Мурувват" уйи давлатимиз ажратган 7 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан тубдан реконструкция қилингач, кўркам қиёфа ва етарли шарт-шароитларга эга бўлди.

Алишер РАҲМАТОВ.

БИР МОНОЛОГ, ИККИ ҚЎШИҚ МОЖАРОСИ

кўчирмакашлик, муаллифлик ҳуқуқи, сўз қадри, ижод масъулияти ҳақида

Аввалига гапни узоқроқдан бошламоқчи бўлдим: бугунги эстрада санъатининг манзараси, муаллифлик ҳуқуқи, сўз ҳамда ижод масъулияти ва яна бировнинг ҳақи, дегандек. Аммо, гапнинг пўсткалласини айтган маъқул кўринди.

❑ Муҳокама учун мавзу

Хусусан, "Давр" гуруҳи ижросидаги "Кераксан" қўшиғида менинг муаллифлигимдаги "Менсизлик" шеъри бузиб ижро этилган. Ўзим бу қўшиқ ҳақида кейинроқ хабар топдим. Ўша қўшиқни эшитган сўз мухлислари: "Шеърингизни бузиб айтишаяпти", дейишганидан сўнг эшитиб кўрдим. Кейин билсам, шеъримнинг баъзи сатрлари бузилиб, ўзгартирилган, матн муаллифи деб бошқани кўрсатишаётган экан.

Яна хонанда Баҳром Назаров (аслида Жумашев) "Онам рўмоли" қўшиғидан олдин менинг шеърларим ("Онам ёзолмаган шеър", "Айбнома", "Мусофир", "Бахт манзили", "Ўғил") сатрларидан "юлиб" олинган сўзлардан монолог ижро этибди. Яъни, бир неча шеърларим сатрлари бузилиб, монолог ясалган. Ушбу монолог хонанданинг 2015 йил ноябрь ойида "Истиқлол" санъат саройида берган яккахон концертида айтилган, интернет сайтларида ҳам тарқалган. Бунга аниқлик киритиш мақсадида хонанда билан алоқадор масъул одамлар билан боғландим, лекин тайинли жавоб ололмадим, маданиятсизларча муомаладан ҳайрон бўлдим. Иккала томон ("Давр" гуруҳи ва Баҳром Жумашев) ҳам бу борада қўшиқ ва монолог матнини ёзган кишига мурожаат қилишим кераклигини айтиб, ўз зиммасидан жавобгарликни соқит қилмоқчи бўлди.

Давоми 4-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Иқтисодиётни ислоҳ қилишни, таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга ўсишини таъминлади. Саноат ҳажмлари 6,7 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 17,5 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,9 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Молия-банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банклар жами капиталининг 23,3 фоизга ва депозитларнинг 27,7 фоизга ўсишини таъминлади, бу иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг 26,2 фоизга кўпайишига кўмаклашди. Барча банк кредитларининг қарийб 80 фоизи инвестиция мақсадларига берилган узоқ муддатли кредитлардир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, диверсификациялаш ва оптималлаштириш дастурий чора-тадбирларини фаол амалга ошириш давом эттирилди. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга давлат буюртмаси жорий этилди. Ғўза майдонлари қисқартирилди, бўшаган майдонларга мева-сабзавот экинлари экилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизга кўпайди.

Кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар туфайли йил бошидан буён 462,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 276,7 мингтаси ёки 59,8 фоизи қишлоқ жойлардадир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 4,4 триллион сўмдан кўп ва 111 миллион доллар миқдорида маблағлар йўналтирилди.

Муҳокамалар давомида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва ҳокимликлар раҳбарлари олдига 2016 йил учун белгиланган барча мақсадли параметрларга ва прогнозларга эришишни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг қабул қилинган ўртача муддатли дастурларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳисобига келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Бошланиши 1-бетда.

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компанияси ва "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти раҳбарларининг эътибори, шу жумладан, ҳар йили ўтказилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида хорижий компанияларни – жаҳондаги етакчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни биргаликда фаолиятга жалб этишни таъминлаган ҳолда пахта толасини қайта ишлаш ҳамда тайёр тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кўпайтириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўришнинг зарурлигига қаратилди.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш ва жорий йилда ишга тушириладиган муҳим объектларни ҳамда саноат қувватларини, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш масалалари мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди. Қайд этиб ўтилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмларини 11,8 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва кредитларни 17,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. Жами қиймати 1,9 миллиард АҚШ доллари бўлган 43 та ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Умумий қиймати 3,4 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 72 та янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари 1,5 бараварга ошиши таъминланди.

Фарғона водийси вилоятларини республиканинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга бўлган 123,1 километр узунликдаги электрлаштирилган Ангрен-Поп темир йўл линияси ишга туширилди. Самарқанд-Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси ниҳоясига етказилмоқда. Узунлиги 1250 километрдан ортиқ бўлган кенг полосали тола-оптик алоқа линиялари барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича 13 мингта якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори, энг аввало, маҳаллий, қишлоқ хўжалиги ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматли, рақобатбардош ҳамда ички ва ташқи бозорларда талаб катта бўлган тайёр маҳсулотларнинг янги замонавий турларини ишлаб чиқарувчи юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканликларига қаратилди.

Бир қатор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарларига, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига инфратузилмаларни, транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни, шунингдек, шу йил 30 июнь ва 1 июлда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишни ўз вақтида таъминлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишнинг янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилда, айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш прогноз параметрларига сўзсиз эришишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги пухта таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон бозорларида конъюнктуранинг нобарқарорлигига ва ноқулайлигига қарамай, экспортни кўпайтириш резервларини максимал жалб этиш, экспорт қилувчи корхоналарни фаол рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг жадал суръатлар билан ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлади. Йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 та корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, маҳсулотларнинг 208 та янги турларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш таъминланмоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига экспортни кўпайтиришнинг мавжуд резервларини сафарбар этиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳамда "Ўзтадбиркорэкспорт" компанияси раҳбарларининг кичик бизнес субъектларини ва фермер хўжаликларини экспорт фаолиятига фаол жалб этишни таъминлаш, шунингдек, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси ва "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти раҳбарларининг энг аввало, якунига етаётган Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилган шартномалар асосида янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлаш юзасидан шахсий масъулияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш, давлат активлари ва улушларини хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига хусусий мулкни жадал ривожлантириш ҳамда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳолати ва натижадорлигига алоҳида эътибор берилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида хусусий мулкка қарийб 267,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция мажбуриятлари қабул қилган ҳолда 305 та давлат активлари сотилди. Ўтган даврда хорижий инвесторларга 30 та акциядорлик жамиятидаги улушлар сотилди. Устав фондларида давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 374 та ўрнига 202 тагача қисқарди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларига акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига камида 15 фоиз миқдорида салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш ва 2015 йил ноябрь ойидаги Халқаро инвестиция форумида тузилган меморандумлар доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ишларини фаоллаштириш топшириғи берилди.

Давлат рақобат қўмитасига манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини жорий қилиш ва қўллашнинг, шунингдек, "ноль" қиймат бўйича сотилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишнинг ҳамда инвесторлар томонидан олинган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишининг ҳолати юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини таъминлаш юкланди.

Мажлисда ғалла ўрим-йиғими якунлари танқидий таҳлил қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларининг эътибори кучи ва воситаларни ғўзани интенсив парваришлашга ва ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар комплексини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда, шунингдек, давлатимиз раҳбари қарори асосида янгидан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Миллий университетда, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳамда Тошкент давлат техника университетида таълим жараёнини янада такомиллаштириш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бунда олий таълим муассасасидаги таълимнинг илм-фан билан ўзаро мустаҳкам алоқасини илғор жаҳон тажрибаси асосида таъминлашга, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини тубдан оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари олдига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва республика вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

Ҳар куннинг сабоғи



Маҳалланинг ораста қизлари эса ёрдамга муҳтож кексалар хонадонларида тозалаш, ободонлаштириш ишларини олиб боришди.

7-мактабгача таълим муассасасида "Зумрадойлар" тўгараги аъзолари, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган қизалоқлар миллий қадриятларимиз, одоб-ахлоқ қоидаларини қай даражада ўзлаштириб олганликларини намойиш этишди. "Саломатлик сектори" аъзолари фаолияти билан таништирилгач, уй бекалари, уларнинг оила аъзолари иштирокида "Гимнастика ҳамма учун" спорт мусобақаси ўтказилди. Ғолибларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Мансур НАҲАЛОВ олган суратлар.



АВЖ ПАРДАЛАРДА ЮРТ ТАРАННУМИ

Бошланиши 1-бетда.

Хонандалар Ҳамроз Деҳқонов, Хуршид Абдувалиев, Муҳриддин Дадабоевнинг чиқишлари эса танловнинг "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизими йўналишида юқори баҳоланди.

– Ватанни авж пардаларда куйлаш ярашади, – дейди танлов ғолиби Хуршид Абдувалиев. – Қўшиқларимиз замондошларимиз қалбидаги юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тоблашга хизмат қилса бас, энг катта мақсадимиз ана шунда.

Якунда ғолиблар вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланишди. Энди улар ўз маҳоратларини танловнинг республика босқичида намойиш этадилар.

Ўз мухбиримиз.

❑ Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида "Офицер ва сержант кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

МАСЪУЛИЯТ, МАЛАКА, МАҲОРАТ

Тадбирда истиқлол йилларида ҳарбий кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни замон билан ҳамнафас фаолият юритишларини таъминлашда самарали ёрдам берадиган тизим яратилганлиги, бу эса армиямиз сафларини бугунги кун талабларига жавоб берадиган интеллектуал жиҳатдан етук мутахассислар билан тўлдириши хусусида сўз борди.

– Бугунги кунда Қуролли Кучлар академиясида 7, Мудофаа вазирлигига қарашли 6 та олий ҳарбий таълим муассасаларида 28 йўналиш бўйича кадрлар тайёрланмоқда, – дейди Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ўқув-услубий бўлими бошлиғи Акмалжон Равшанов. – Бу – мамлакатимизда миллий офицерлар ва сержантлар тайёрлаш тизимини янада юқори поғонага кўтарди.

Йиғилиш сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Наргис ҲАСАНОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



АНГРЕНДА ЯНА БИР МАЖМУА

Мустақиллик халқимизга ўз имкониятларини намоён этишга кенг йўл очиб берганлиги билан ҳам қадрлидир.

❑ Туҳфа

Буни вилоятимиз туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари мисолида кўриш мумкин. Қувонарлиси, бундай хайрли ишларда маҳаллий тадбиркорлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар томонидан нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки энг чекка, олис қишлоқ жойларида бунёд этилаётган миллий ва замонавий андозаларга мос ишлаб чиқариш, савдо, маданий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ҳудудлар чиройига чирой қўшмоқда.

Ангрен шаҳрида ҳам бу борадаги ишлар изчил тус олиб, тадбиркорларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан хусусий тадбиркор "Фарангиз-Шоҳжаҳон-Барака" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Умрзоқ Ерманов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан "Shoh" маиший ва маданий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

– Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга бевосита боғлиқ, – дейди тадбиркор. – Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2013 йил 17 апрелдаги қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган Қарори ҳамда шу Қарор асосида тасдиқланган чора-тадбирлар Дастури биз – тадбиркорлар учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Яратилган бундай имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, ушбу мажмуани бунёд этдик. Мақсадимиз – халқимизнинг маданий-маиший турмушини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшишдир.

Дарҳақиқат, замонавий андозалар асосида бунёд этилган мажмуада аҳолига кенг кўламдаги сифатли маданий-маиший хизматларни кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Энг муҳими, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

Гулшода НАСИБАЛИЕВА.

ДУНЁ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДАН МАНФААТДОР

Жанубий Кореядаги "Roc International" компанияси бош маслаҳатчиси Ли Мёнг Жей "Экоагропродукт" боғида пишиб етилган олма, нок ва шафтолининг сифати ва мазасига юқори баҳо берди ва уларни тўғридан-тўғри харид қилиш бўйича келишиб олди.

Шу куни "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистон мевасабзавот маҳсулотларининг устунлиги" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олим ва тадқиқотчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Б. Сулаймонов, Халқаро сабзавотчилик марказининг Марказий ва Жанубий Осиё бўйича минтақавий директори Варвик Исдоун ва бошқалар мамлакатимизда мевасабзавот маҳсулотларининг эртапишар, серҳосил, тўйимли навларини яратиш ва етиштириш билан бир қаторда, уларнинг сифатини таъминлаш, хусусан, экологик тоза технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Конференцияда Ўзбекистонда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг табиий хусусиятлари, юқори истеъмол сифати, соҳада амалга оширилаётган модернизация ва диверсификация самаралари ҳақида маърузалар тингланди. Анжуманда таъкидланганидек, кейинги уч йилда 23,5 минг гектар янги токзорлар барпо этилиб, 17,4 минг гектар ҳосилдорлиги паст токзорлар реконструкция қилинган. Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан мева ва узумнинг 40 дан ортиқ серҳосил нави яратилган. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти селекционерлари ҳар хил муддатда пишадиган ҳосилдор, юқори сифатли ҳамда касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 41, полизнинг 5, картошканинг 6 янги навини кашф этган.



Халқаро экспертлар Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини янада кўпайтириш учун катта салоҳиятга эга экани, ушбу ярмарка ва конференция бу салоҳиятни ўрганиш, ўзаро фикр алмашиш ва истиқболли келишувларга эришиш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Конференцияда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг тежамкор технологиялари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, ушбу маҳсулотларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, селекция ва уруғчилик, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

СОҒИНИБ КУТИЛГАН УЧРАШУВЛАР

Шу кунларда вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда меҳнат жамоаларида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб турли учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Паркент туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ҳам "Истиқлолнинг улкан зафарлари: яратувчанлик ва бунёдкорлик йиллари" мавзуига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, таниқли адиблар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, кино ва театр актёрлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Бундай учрашув ва давра суҳбатлари туманнинг барча ҳудудларида ўтказилмоқда.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 1 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси тақроран қўйилмоқда:

Қибрай тумани СИБ томонидан 06.08.2015 йил № 17125-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 D 906 KA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси - 24 472 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 2 август куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 20.10.2015 йилдаги 1-6495/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси - 103 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 0,15 га, қурилиш ости майдони 337,78 кв.метр, 3 та литердан иборат "Чойхона ва новвойхона биноси" тақроран қўйилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "Закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда Савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 16.10.2015 йилдаги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 1 266 089 082 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., умумий майдони 446,46 кв.м.даги 2 қаватли 9 хонадан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)" ҳамда Тошкент шаҳри, Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ М. Улуғбек тумани судининг 26.02.2013 йилдаги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 233 062 691 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ. Бойқаро 1-тор кўчаси, 2-А уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 895,0 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 461,49 кв.м., биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 370,0 кв.м., яшаш майдони 122,0 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)"лар қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 4 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.

Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия № 0039.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат Қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 8 июлдаги 70-сонли буйруғи ва Паркент тумани ҳокимининг 2016 йил 29 мартдаги 325-сонли қарорига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалиги юритиш) учун қуйидаги ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивидаги ҳар бирининг сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган 1-90-сонли, жами 90 (тўқсон) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси - 167 305 сўм 60 тийин. Ушбу (1-90-сонли) ер участкалари бўйича аукцион савдоси 2016 йил 15 август куни соат 11.00 да Паркент тумани ҳокимлигининг маъмурий биносида бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 12 август куни соат 18.00.

II. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивидаги ҳар бирининг сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган 91-180-сонли, жами 90 (тўқсон) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси - 167 305 сўм 60 тийин. Ушбу (91-180-сонли) ер участкалари бўйича аукцион савдоси 2016 йил 17 август куни соат 11.00 да Паркент тумани ҳокимлигининг маъмурий биносида бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 16 август куни соат 18.00.

III. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ, Заркент массивидаги ҳар бирининг сатҳи 0,04 га.дан иборат бўлган 181-263-сонли, жами 83 (саксон уч) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси - 167 305 сўм 60 тийин. Ушбу (181-263-сонли) ер участкалари бўйича аукцион савдоси 2016 йил 19 август куни соат 11.00 да Паркент тумани ҳокимлигининг маъмурий биносида бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 18 август куни соат 18.00.

Савдога қўйилган ер участкалари билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, ҳар бир ер участкаси учун - 25 095 сўм 84 тийин (йигирма беш минг тўқсон беш сўм саксон тўрт тийин)-дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KMCX" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 ҳ/р.га савдода иштирок этиш учун буюртманома топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдори 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси - паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслар - уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- хорижий фуқаролар - чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт нусхаси;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар - яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- солиқ тўловчининг идентификацион (ИНН) рақами;
- закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент ҚФЙ маъмурий биносида.

Савдо ташкилотчиси манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-84-48. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖ томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 09.07.2016 йилдаги 55-сонида берилган эълондаги савдо саналари 26.07.2016 йил ўрнига 02.08.2016 йил, 09.08.2016 йил ўрнига 16.08.2016 йил соат 12.00 да бўлиб ўтади, деб ўқилсин. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0595) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

Тошкент вилояти ҳокимлиги вилоят ҳокимининг ўринбосари Анвар Абдуқодировга падари бузруквори

АБДУҒОФУР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Суд департаменти)нинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси - суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспортлардан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади - суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда - комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси 2-уй) 2016 йил 18 июлдан ҳар куни соат 10.00 дан бошланиб, 18.00 қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

2016 йил 22 август куни соат 10.00 дан 18.00 гача Ангрен шаҳри, Оҳангарон тумани, Олмалиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Паркент туманлари бўйича;

2016 йил 23 август куни соат 10.00 дан 18.00 гача Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари бўйича;

2016 йил 24 август куни соат 10.00 дан 18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Бўстонлиқ, Янгийўл, Зангиота туманлари бўйича ўтказилиб, танлов натижаларига кўра ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
- охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган, мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

- истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
- мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар:

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1- ва 2-шакллар) нусхаси;
- савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотномаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;
- талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10 фоизидан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-53-15, 263-53-06) Комиссия ишчи органи ҳудудий бошқармасининг суд қарорларини ижро этиш бўлими (инспектори) томонидан 2016 йил 18 август кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови"га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

Муҳокама учун мавзу

БИР МОНОЛОГ, ИККИ ҚЎШИҚ МОЖАРОСИ

кўчирмакашлик, муаллифлик ҳуқуқи, сўз қадри, ижод масъулияти ҳақида

Б. Назаров (Жумашев)нинг билдиришича, монологни И. Дадажонова ёзиб берган экан. Мана, ўзингиз солиштириб кўринг:

Монологда:
Йўл учун туққанмидингиз мени,
гул учун туққанмидингиз,
пул учун туққанмидингиз?

Шеърда:
Йўл учун туққанмидим,
Гул учун туққанмидим,
Пул учун туққанмидим

Монологда:
Титраган созингни қўй, болам,
бўғилган овозингни қўй

Шеърда:
Титраган созингни қўй,
Бўғиқ овозингни қўй.

Хуллас, шу тахлит "ижод" монолог охиригача давом этади...

Таъкидлаб ўтиш керак, юқорида кўрсатилган сатрлари бузиб ижро этилган шеърлар яратилганига анча йиллар бўлган ва улар аллақачон ўз мухлисларига эга.

"Давр" гуруҳи ижро этган "Кераксан" қўшиғи матни муаллифи эса Якзон тахаллуси билан ижод қилаётган Шоҳруҳ Жўраев экан. Ҳайтовур, у шеъримиздан фойдаланганини тан олиб турибди, аммо отдан тушса ҳам эгардан тушиш ниятида эмас...

"Давр" гуруҳи қўшиғида:
Кечаларим ўзимдан ғариб,
Армонларим осмондан катта.
Юрагимга термилиб туриб,
Йиғлаяпман биринчи марта.

Шеърда:
Кечаларинг ўзингдай ғариб,
Армонларинг осмондан катта.
Юрагингга термилиб туриб,
Йиғлаяпсан биринчи марта.

Юқоридаги ҳолатлар фақат муаллифлик ҳуқуқи қонун-қоидалари бузилганинигина эмас, кўчирғич ижодкорлару хонандаларнинг маданияти, ижод масъулияти, сўзга муносабати қониқарли даражада эмаслигини англатади. Биламизки, ижод мураккаб, машаққатли жараён. Жумладан, бирор шеърий асар яратиш ва уни эълон қилиш учун анча заҳмат чекиш, қанча чиғириқдан ўтишга тўғри келади. Буни бир сатр устида тер тўкиб кўрган киши яхши тушунади, ҳис қилади. Китоб тайёрлаш ва уни чоп эттириш эса ундан-да оғир, заҳматли меҳнатдир. Бугун борган сари оддий ҳолга айланиб қолаётган плагиат (кўчирмакашлик) туфайли асари рухсатсиз бузилган ва ўзлаштирилган муаллифга қанча зарар етиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Қолаверса, адабий асар муаллифнинг дахлсиз мулки ҳисобланади ва бошқаларнинг унга дахл қилиши қонунга кўра тақиқланади. Юқоридаги ҳолатга кўра, бизда жуда кўпчилик, жумладан, ўзини "санъаткор" санаб юрган баъзи хонандалар муаллифлик ҳуқуқи ҳақида, бировнинг маънавий мулкига тажовуз қилишнинг оқибати тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслиги маълум бўлмоқда.



Шуларни инобатга олган ҳолда, юқоридаги ҳолатни яхлит қилиб кўрсатиш ва ундан ҳосил бўлган монологни ижро этиш ҳақида широк ўрганиб, тегишли чоралар кўришини сўраб "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасига мурожаат қилдим. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш учун номи кўрсатилган гуруҳ вакили ва хонанда Б. Назаров (Жумашев) бирлашмага чақирилди. "Ўзбекнаво" мутахассиси ва хонандалар билан суҳбат давомида улар эътирозни тўғри қабул қилишди, аммо яна бунинг учун қўшиқ ва монолог матни муаллифи жавобгар бўлишини айтишди. Мен бу қўшиқ ҳамда монолог гуруҳ ва хонанданинг матни муаллифи жавобгар бўлишини айтишди. Наҳотки, саҳнада қўшиқ ёки монолог ижро этган хонанда бу учун ҳеч қандай жавобгарлик, масъулият сезмаса?! Тасаввур қилинг, бировнинг шеърини бузиб ижро этган ҳар хонанда: "Менга фалончи ёзиб берганди, ўшанга боринг, у жавоб беради", деб турса... Бу нимаси? Шу энди санъатми, санъаткорлик маданиятими? Бошқа саволлар ҳам пайдо бўлади. Хонанданинг "ўша ёзиб берган" билан шартномаси борми? У расман жавобгар бўла оладими? Унда нега "монолог" муаллифининг номи эълон қилинмайди? Юқоридаги ҳолатларга қарамай, бирлашма маъмурияти хонандаларга ҳеч қандай чора кўрмаётганини қандай тушуниш мумкин?

Ҳозирги вақтда муаллифлик ҳуқуқи қонун-қоидалари бузилиши ҳоллари кўп учраётгани, айниқса, айрим хонандалар бу борада "пешқадам" экани ва бунинг оқибатида жабрланган муаллиф-ижодкорларга катта зарар етаётгани, агар вақтида чора кўрилмаса, муаммо янада чуқурроқ илдиз отиши мумкинлигини ҳисобга олиб, охири шу иш юзасидан судга мурожаат қилдим. Қизиғи шуки, ҳеч "думини тутқазмай" юрганлар судга мурожаат қилингандан кейин мени қидириб, қайта-қайта қўнғироқ қилиб, юзмаюз гаплашиб олишни илтимос қилишди...

Очиғи, буларни ёзиш, ижод масъулияти, сўз қадрини ҳис қилмайдиган, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган бундай кимсалар билан талашиб-тортишиб юриш менга жуда ноқулай, ҳатто, уят даражасида бўлса-да, келгуси ҳуқуқбузарликлар, шеър ўғриликларининг олди олиниши мумкинлигини ўйлаб, шундай йўл тутишни маъқул кўрдим. Ажабланарлиси, қайта-қайта мурожаат қилинаётгани, оммавий ахборот воситаларида тинмай бонг урилаётганига қарамай, назаримизда, "Ўзбекнаво" бу масалага етарлича эътибор бермаётганга ўхшайди. Акс ҳолда, муаммо бу даражада жиддий тус олмас эди...

Дарвоқе, яна бошқа бир хонанда "Биз" номли шеъримни ижро этибди. Хонанда билан боғланганимда, унинг муносабатидан санъаткорларга хос маданиятдан узоқ экани маълум бўлди. Бир неча маротабалик дилхираликлар аралаш мулоқот давомида "Нега уйғонмайди одамлар?" дея одамийлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ҳақида жўшиб куйлаган хонанданинг ўзида бу сифатлар камёб экани ва шундай фазилатлар тараннум этилган сатрларни айтишга арзимаслигини яна бир бор англаб етдим. Ва дарров хаёлимдан ўтди: "Нега уялмайди одамлар?"

Энг аламлиси, бунақалар одамийлик, меҳр-оқибат ҳақида қичқириб чарчамайди, лекин ўзлари бошқача. Бундайлардан юрак қоним қўшилган сатрларимни қизғанаман, жуда қизғанаман. Аслида, бундайлар билан тортишган одам барака топмайди, чунки ўзингни муттаҳамга чиқаришга уринади. Лекин жим қараб туриб ҳам бўлмайди.

Сўз қадри, ижод масъулияти, муаллифлик ҳуқуқи масалалари бугун долзарб муаммога айланиб улгурган экан, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай ижодкор бунга бефарқ бўлмаслиги, ҳар бир сўзи учун жавобгар эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак!

Одил суд мазкур иш юзасидан тегишли қарор чиқарди. Ҳақ-ҳуқуқларим поймол бўлишига йўл қўйилмади. Аммо... Бу ҳолат яна қайтарилмайди, деб ким кафолат беради? Балки айни шу дақиқаларда яна қаерлардадир бир шоирнинг сўзлари ўзи бехабар ҳолда қўшиққа айланаётгандир? Кимдир бировнинг шеърини пуллаб, хонанданинг қаршисида лаҳзалик обрў олаётгандир?

Нима дейсиз, замондош?

Беҳзод ФАЗЛИДДИН.

Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

Бошланиши 1-бетда.

Мерос

Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингишига эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

«ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР»

Таъбир жоиз бўлса, гўдак дунё юзини кўриши билан ўз она тилининг сеҳру тароватини, оромбахшлигини алла орқали туяди. Бу қўшиқ ўзида инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгу орзулар, баркамол авлод тарбияси каби умуминсоний анъаналарни уйғунлаштиради. Замонлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган бу қўшиқ бола руҳига Ватанга муҳаббат, халқи ва оиласига ҳурмат фазилатларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси бўлган аллани аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган "Онам айтган аллалар" анъанавий республика фестивалининг бу йилги якуний босқичи "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилди.

Унда вилоятимиз вакили – Паркентнинг "Бойқозон санамлари" фольклор-этнографик ансамбли жамоаси ҳам фаол иштирок этди. Қувонарлиси, жамоа танловнинг "Фахрий ижрочи" номинацияси бўйича ғолиб бўлиб, вазирликнинг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Уч авлод – битта жамоа

Оилалар мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар кўп. Шулардан бири хонадонларда оилавий спорт анъаналарининг шаклланиши ва равнақ топишидир.

Оилавий спорт



Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида ташкил этаётган "Биз аҳил, идрокли оилалармиз" шахмат-шашка турнири ҳам мана шу хайрли мақсадга хизмат қилаётир.

Куни кеча Қибрай туманидаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабида мазкур турнирнинг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда вилоятнинг 1 минг 158 та маҳалласида уюштирилган дастлабки синовларда иштирок этган 60 мингдан ортиқ ҳаваскорлар орасидан саралаб олинган энг маҳоратлилар қатнашишди.

– Мазкур турнир бошқа спорт мусобақаларидан тубдан фарқ қилади, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. – Унда ҳар бир оила бир жамоа ҳисобланади. Баҳсларда бува-буви, ота-она ва фарзандлар қатнашади. Кўриб гувоҳи бўлганингиздек, турнирнинг энг ёш иштирокчиси пискентлик Абдулазиз Толипов – 6 ёшда, энг кекса иштирокчи – Юқори чирчиқлик Долибой Бўрибеков эса саксонни қоралаб қўйган.

Қизиқарли кечган баҳсларда Оққўрғон туманидаги "Ҳосилдор" маҳалла фуқаролар йиғинида иштирок қилувчи Бобоевлар оиласи ғолиб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар паркентлик ҳамда бекободлик оилаларга насиб этди.

Шерзод ШУҲРАТОВ.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Жиноятга жазо муқаррар

"Ўзбек пул топса, тўй қилади ёки уй қуради", деган гап бор. Бу бежизга эмас, албатта. Зотан, ҳар ким топган-тутганини яхши нарсаларга сарфлашни ният қилади. Бу гапнинг яна бир маъноси шуки, у халқимиз табиатидаги тантилик, бунёдкорлик фазилатларини ҳам яққол ифодалайди. Бинобарин, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, бу борадаги азалий довруқ ва анъаналаримиз мустақиллик йиллари янада камол топди, шаклланди.

«ҚУРУВЧИ» НАЙРАНГБОЗЛАР

иштаҳангиз бунча карнай бўлмаса

Юртимизнинг қай бир манзилига борманг, бири бири билан ҳусн талашувчи, сулув келинчакдек безанган муҳташам ва кўркам иморатлар бунёд этилганига гувоҳ бўласиз. Аҳоли турараржойларидан тортиб, мукаммал ва замонавий инфратузилмага эга ижтимоий соҳа объектлари турмушимизга файз ва фаровонлик бағишлаяпти.

Бироқ, таассуфки, орамизда мана шундай улуғвор ишларга соя соладиган, аниқроғи, ҳар бир ишдан ўзининг манфаати йўлида фойдаланишга ўрганган нафс бандалари учраб туради. Хусусан, қурилиш тизимидаги қаллобликлар ҳақида эшитганда, одам беихтиёр ёқа ушлайди. Уларни нафақат текин ошга мазахўраклар, балки ободлик, бунёдкорлик кушандалари, деса тўғри бўлади.

Оз эмас, кўп эмас беш йил, аниқроғи, 2010 йилдан 2015 йилга қадар вилоят "Капитал қурилиш бўйича ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси"га раҳбарлик қилган Асқар Назаров ҳамда унинг шериклари кирдикорларини ўрганиш асносида, шундай мулоҳазага боради, киши.

Гап шундаки, А. Назаров шахсий манфаатларини кўзлаб, давлат ғазнасига чанг солишдек ножўя ишлардан тап тортмади. Компания мутахассиси Ҳусан Каримов ва "Билол қурилиш плюс барака" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ғанишер Тўйчибоев билан тил бириктириб, бажарилмаган қурилишлар учун сохта ҳужжатлар тузган ҳолда, кўп миқдорда давлат маблағларини талон-торож қилди. Оқибатда, уларга ишониб топширилган қурилишлар битмай, ўлда-жўлда қолиб кетди.

Жумладан, 2012 йилда компания билан МЧЖ ўртасида Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш юзасидан қарийб 3 миллиард 753 миллион сўмлик шартнома тузилган. Қурувчилар аслида 3 миллиард 465 миллион сўмлик иш бажарган бўлсаларда, "келишув"га асосан компания қурилиш тўлиқ якунлангани ва режадаги сумма батамом ишлатилгани тўғрисида ҳужжат расмийлаштирди. Қарабсизки, ўртадаги фарқ – 175 миллион сўм найрангбозларнинг текин луқмасига айланди.

Иштаҳа овқат устида келади, деган гап бор. Пул топишнинг бунақанги осон йўли "қаҳрамон"ларимизнинг иштаҳасини карнай қилиб юборди.

Масалан, уддабуронларнинг чекига Зангиота туманидаги яна бир тиббиёт муассасасини реконструкция қилиш ва ҳудуддаги 5-умумтаълим мактабига спорт зали қуриш вазифаси ҳам тушди. Бу ишда ҳам юқоридаги гуруҳ кўзбўямачиликка йўл қўйиб, нақ 1 миллиард 201 миллион 500 минг сўмни ўзлаштириб юборди.

Табиийки, МЧЖ ҳисоб рақамидаги шунча пулни ҳамирдан қил суғургандек, ҳалқумдан ўтказиб юбориш осон эмас. Кўпчиликда шубҳа уйғониши мумкин. Шу боис жиноий гуруҳ аъзолари бунинг ҳам "иси чиқмас" йўлини топишди. "Ўйин"га "Бунёдкор барака", "Торнадо инвест", "Мардон блисс сервис" каби ўнлаб фирмалар жалб қилинди ва уларнинг ҳисоб рақамларига бажарилмаган қурилишлар учун пул ўтказиларверди. Фақатгина ҳужжатларда акс этган қурилишдан тушган пулларни мазкур жамиятлар орқали нақдлаштириб олишди.

Нафси ҳаккалак отган қурувчиларнинг бу каби жиноий хатти-ҳаракатлари, албатта, жазосини олди. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди Асқар Назаровга 10 йил, Ғанишер Тўйчибоевга 9 йил озодликдан маҳрум қилиш, Ҳусан Каримовга эса энг кам иш ҳақининг 400 баробари миқдоридаги жарима тўлаш жазосини тайинлади.

Ш. МУРОДОВ.

ХХІ аср ва дунё

Чипталар сони чекланган

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинлари чипталарининг 70 фоиздан зиёди сотиб бўлинди.



Бу ҳақда "Рио – 2016" ташкилий қўмитаси "Франс-пресс" ахборот агентлигига маълум қилган.

Мутасаддиларнинг гапига қараганда қолган 1,7 миллион дона чипта ҳам сотувга чиқарилади. Уларни сотиш жараёни анча жадал кетаётгани бу галги ўйинларга қизиқиш катта бўлаётганидан далолатдир.

Эслатиб ўтамиз, сайёрамизнинг мазкур энг нуфузли ёзги спорт байрами 5-21 август кунлари бўлиб ўтади.

Чўпон таёғини ташлайди

Яқин кунларда чўпонларнинг меҳнати батамом енгиллашиши мумкин.



Австралиядаги Сидней университети олимлари айни пайтда дунёдаги биринчи "робот-чўпон"ни синовдан ўтказишмоқда. "Робот-чўпон" қўй, қорамол ва йилқиларни бир жойга тўплайди, яйлов кенгликларида эркин ҳаракатланиб, оғир юкларни ҳам таший олади.

Келгусида олимлар "темир чўпон"нинг "зиммаси"га қорамоллар ҳароратини ўлчаш, улар орасида учрайдиган турли касалликларни аниқлаш вазифасини ҳам юклашмоқчи. Бунинг учун махсус сенсорлардан фойдаланилиши кўзда тутилган.

Ҳамма гап пўстлоғида

Боғбонлар ҳосил чўғига қараб: "Бу йил олма йили бўлди", деб туришган бир пайтда хорижлик шифокорлар бу неъматни пўстлоғи билан ейиш фойдали, деб уқтиришмоқда.

Мутахассисларнинг гапларига қараганда, олма пўстлоғида урсул кислотаси бўлиб, у қондаги холестерин ва қанд миқдорини мақбуллаштириш хусусиятига эга. Бу борада 1300 дан ортиқ тажриба ўтказган шифокорлар айнан мана шу модда мушак массасини сақлаб туришда энг самарадор, деган хулосани илгари суришмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6491. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.00.